



# Makroiqtisodiyot fani

Bajardi: Xusanova G.S

## *2- Мавзу.*

---

# *Асосий макроиқтисодий курсаткичлар ва уларни ҳисоблаш*

## РЕЖА:

1. Миллий иқтисодиётни таҳлил қилишда қўлланиладиган асосий кўрсаткичлар.
2. Ялпи ички маҳсулот тушунчаси ва уни ҳисоблашнинг асосий шартлари.
3. ЯИМни ишлаб чиқариш услубида аниқлаш.
4. ЯИМни харажатлар бўйича ҳисоблаш.
5. ЯИМни даромадлар бўйича ҳисоблаш
6. Миллий ҳисобчилик тизимидаги бошқа курсаткичлар ва улар уртасидаги нисбат
7. Номинал ва реал ЯИМ
8. Асосий макроиктисодий айниятлар

## Асосий макроиктисодий кўрсаткичлар:

### Товар ва хизматларни ишлаб чиқариш соҳасида

- ялпи ички (ёки миллий) маҳсулот - ЯИМ (ЯММ)
- соф ялпи (ёки миллий) маҳсулот – СЯМ (СММ)
- миллий даромад - МД

### Бюджет – солиқ соҳасида

- давлат бюджетининг даромад ва харажатлари
- давлат бюджетининг тақчиллиги
- ЯИМдаги солиқ чегирмаларининг даражаси

### Пул - кредит соҳасида

- инфляция даражаси
- Марказий банкнинг ҳисоб ставкаси
- пул массасининг ҳажми

## Асосий макроиқтисодий кўрсаткичлар:

### Ташқи савдо соҳасида

экспорт  
импорт  
ташқи савдо айланмаси

### Турмуш даражаси соҳасида

- Аҳоли жон бошига ялпи ички (еки миллий) маҳсулот
- Аҳоли жон бошига миллий даромад
- Шахсий даромад (ШД)
- тасарруфдаги даромад (ТД)
- истеъмол нархлари индекси

### Аҳоли иш билан бандлиги соҳасида

- ишсизлик даражаси
- ишчи кучи ва ишчилар сони

## Миллий иқтисодий таҳлил қилишда қўлланиладиган кўрсаткичлар

Мамлакатнинг иқтисодий қудратини ифодаловчи кўрсаткичлар

- миллий бойлик;
- ялпи ички маҳсулот;
- соф ички маҳсулот;
- ялпи миллий даромад;
- соф миллий тасарруфдаги даромад;
- ялпи миллий жамғарма;
- инвестициялар ҳажми;
- экспорт ҳажми;
- саноат маҳсулоти ҳажми;
- ҳ.к.

Мамлакатнинг ривожланиш даражасини ифодаловчи кўрсаткичлар

- Аҳоли жон бошига тўғри келадиган:
- миллий бойлик;
  - ялпи ички маҳсулот;
  - соф ички маҳсулот;
  - ялпи миллий даромад;
  - соф миллий тасарруфдаги даромад;
  - ялпи миллий жамғарма;
  - инвестициялар ҳажми;
  - экспорт ҳажми;
  - ЯИМнинг тармоқ тўзилмаси;
  - ЯИМнинг материал ва энергия сиғими;
  - алоҳида товарлар ва хизматларнинг аҳоли жон бошига истеъмоли;
  - аҳолининг ўртача умри

ҳ.к.

Мамлакатдаги макроиқтисодий вазиятни ифодаловчи кўрсаткичлар

- иқтисодий ўсиш суръати;
- инфляция суръати;
- ишсизлик даражаси;
- давлат бюджети тақчиллиги;
- миллий валютанинг қадрсизланиши (девальвацияси) даражаси;
- тўлов баланси қолдиғи;
- олтин-валюта захираси динамикаси;
- давлат қарзи динамикаси ва ҳ.к.



## ЯМД ва ЯИМ ўртасидаги фарқ

**ЯМД =**

**ЯИМ +**

Шу мамлакат  
иқтисодий  
агентларнинг  
хориждан олган  
даромадлари

-

Хорижий иқтисодий  
агентлар шу  
мамлакатда олган  
даромадлари

**ЯИМ – мамлакатнинг ичида бир йил мобайнида  
ишлаб чиқарилган барча хизмат ва товарлар  
умумий қиймати**



**ЯИМни ҳисоблашнинг асосий шартлари**  
**ЯИМ**

**Яқуний товарлар ва хизматлар баҳосини ифодалайди**

**Бозор баҳоларида ҳисобланади**

**Фақат шу йили ишлаб чиқарилган товарлар ва хизматлар баҳосини ўз ичига олади**

**Соф молиявий битимлар баҳосини ўз ичига олмайди**

## ЯИМ ҳисоблаш усуллари:

**Ишлаб чиқариш усули (қўшилган қиймат бўйича)**

**Қўшимча қиймат**

$$60 + 35 + 15 + 10 = 120$$

60



$$60+35=95$$



$$95+15=110$$



$$110+10=120$$

**Ишлаб чиқариш усулида** ҳисобланган ЯИМ якуний товарлар ва хизматларни ишлаб чиқаришнинг турли босқичларида қўшилган қийматлар йиғиндиси сифатида аниқланади. ЯИМни бу усулда аниқлаш статистик жиҳатдан қулай бўлиши билан бирга уни ҳисоблашнинг муҳим шартига амал қилиш, яъни бир қийматни икки бор ҳисобга олиш, ёки оралиқ маҳсулот қийматини ЯИМга киритиб юборишнинг олдини олади. **Якуний товарлар ва хизматлар** деганда уларнинг ишлаб чиқариш, ёки ички айирбошлаш циклидан чиққан, якуний истеъмол, жамғариш ёки экспорт учун фойдаланиладиган қисми тушунилади. Якуний товарлар ва хизматларни ишлаб чиқаришда сарфланган оралиқ товарлар ва хизматлар баҳоси ЯИМга қўшилмайди. **Қўшилган қиймат** товар ва хизматларнинг сотиш баҳоси билан уларни ишлаб чиқариш учун фойдаланилган хом ашё ва материалларни сотиб олишга қилинган харажатлар ўртасидаги фарқ кўринишида аниқланади.

## ЯИМ ҳисоблаш усуллари:

Даромадлар бўйича (ишлаб чиқариш омилларининг даромадлари)

**Бизнесга эгри солиқлар**

**Амортизация**

**Иш ҳақи**

**Ижара ҳақи, рента тўловлари**

**Фоиз ставкаси**

**Корпорацияланмаган корхоналарнинг фойдаси**

**Корпорацияларнинг фойдаси:**

А) дивидендлар

Б) корпорациялар фойдасига солиқлар

В) корпорацияларнинг

тақсимланмаган фойдаси

Харажатлар бўйича (пировард ишлатилиши бўйича)

**Истеъмол харажатлари**

**Ялпи инвестициялар:**

А) амортизация (истеъмол қилинган капитал ҳажми)

Б) соф инвестициялар

Товар ва хизматларнинг давлат хариди

**Соф экспорт**

(умумий экспорт микдоридан импорт микдорининг айириб ташланиши )

ЯИМни харажатлар  
орқали ҳисоблаш  
формуласи:

$$\mathbf{ЯИМ = C + I + G + X_{п}}$$

### **Уй хўжаликларининг истеъмол харажатлари (С):**

- а) узоқ муддат фойдаланиладиган истеъмол буюмлари сотиб олишга;
- б) кундалик фойдаланиладиган истеъмол буюмлари сотиб олишга;
- в) истеъмол хизматлари тўловига.

### **Ялпи ички хусусий инвестиция харажатлари (I):**



- а) асбоб-ускуналар, машиналарни яқуний сотиб олишга;
- б) корхоналар, иншоотлар, тураржой биноларини қуришга сарфланган;
- в) товар захиралари ўртасидаги фарқлар ёки захираларнинг ўзгариши.

### **Товар ва хизматларнинг давлат хариди (G).**

Бу гуруҳ харажатларига маҳаллий ва марказий бошқарув ҳокимияти идоралари томонидан корхоналарнинг пировард маҳсулотлари ва ресурслари хариди (автомобиль йўллари ва почта муассасалари қурилиши, давлат корхоналарида тўланадиган иш ҳақи) харажатлари киритилади. Лекин шу ўринда таъкидлаш лозимки, бу харажатларга давлат трансферт тўловлари киритилмайди.

**Соф экспорт (Хп):** мамлакатнинг импорт ва экспорт операциялари бўйича харажатлар ўртасидаги фарқ.

$$\text{ЯИМ} = T_n + W + P$$



Ишлаб чиқаришга ва импортга соф билвосита солиқлар (қўшилган қиймат солиғи, акцизлар, божхона божлари, мулк солиғи, ер солиғи ва субсидиялар ҳажмлари ўртасидаги фарқ).

Ёлланма ишчиларнинг солиқ тўлагунча ҳисобланган иш ҳақлари плюс иш берувчилар томонидан иш ҳақи фондига нисбатан ҳисобланиб тўланадиган ижтимоий суғурта ажратмалари.

Корпорацияларнинг ялпи фойдаси + нокорпоратив корхоналарнинг аралаш даромади + асосий капитал исеъмоли (амортизация).

**Шунингдек, ЯИМни даромадлар кўринишида аниқлашда, иқтисодий назарияда, даромадларни қуйидаги компонентларга бўлиш кўзда тутилади:**

$$\text{ЯИМ (Y)} = \text{A} + \text{T} + \text{W} + \text{R1} + \text{R2} + \text{P1} + \text{P2}$$



- **амортизация (A);**
- **билвостиа солиқлар (T);**
- **ёлланма ишчиларнинг иш ҳақлари (W);**
- **ижара ҳақи тўлови ва рента кўринишидаги даромадлар(R1);**
- **капитал учун олинган фоиз даромадлари (R2);**
- **мулкдан келадиган даромад (нокорпоратив корхоналар даромади) (P1);**
- **корпорация фойдаси (P2).**

**Корпорациялар фойдаси ўз навбатида қуйидагиларга бўлинади:**

- а) корпорацияси фойдасидан тўланадиган солиқлар (P1.1);**
- б) ҳиссадорлар ўртасида тақсимланадиган дивидендлар(P1.2);**
- в) корпорациянинг тақсимланмаган фойдаси(P1.3).**


## Асосий макроиктисодий кўрсаткичларни ҳисоблашда боғлиқлик


*СИМ = ЯИМ – амортизация*

*МД = СИМ – бизнесга эгри солиқлар*

*ШД = МД – корпорацияларнинг фойдаси - ижтимоий сугурта  
тўловлари + дивидендлар + ижтимоий трансфертлар*

*ИД = ШД – индивидуал солиқлар (мажбурий тўловлар билан)*





$$\text{Реал ЯИМ} = \frac{\text{Номинал ЯИМ}}{\text{ЯИМ дефлятори}}$$

## Нархлар индексларининг ҳисоблаш усуллари:

**Доимий таркибнинг индекси  
(Ласпейрес индекси)**

$$P_l = \frac{\sum P_t Q_0}{\sum P_0 Q_0}$$

Истеъмол нархлар индекси ҳисоблашда қўлланилади.

Истеъмол қилинаётган маҳаллий ва импорт товарларнинг ички нархларини ҳисобга олади

Истеъмолнинг ўзгармас таркибига асосланиб ҳисобланади

**Ўзгарувчан таркибнинг индекси  
(Пааше индекси)**

$$P_p = \frac{\sum P_t Q_t}{\sum P_0 Q_t}$$

ЯИМ дефляторни ҳисоблашда қўлланилади

Ишлаб чиқарилган маҳаллий товарларнинг нархларини ҳисобга олади

Ишлаб чиқаришдаги ўзгаришларни ҳисобга олади

Нархлар индексларининг ҳисоблаш усуллари:

Фишер индекси  $P_f = \sqrt{P_l * P_p}$

Пааше ва Ласпейрес индексларининг  
камчиликларини Фишер индекси  
юмшатади

## Миллий ҳисоблар тизими

**Миллий ҳисоблар тизими тузилишининг асосий тамойлари:**

- Қийматли ҳисобда олиш
- Икки томонлама ёзилиш қондаси (баланс усули)
- Такрор қўшиб ҳисоблашни иқтисод қилиш

**Миллий ҳисобларнинг асосий тенглиги:**

$$Y = C + I + G + NX$$

## Миллий ҳисоблар тизими


### 1. “С” – истеъмол:

- Узоқ муддати истеъмол товарлари
  - Жорий истеъмол товарлари
  - хизматлар
- 

### 2. “I” – япли инвестициялар:

амортизация

соф инвестициялар



асосий капитал ўсишида

айланма капитал ўсишида

уй - жой қурилишида

### 3. “G” - товар ва хизматларнинг давлат хариди

### 4. «NX» – соф экспорт - экспорт минус импорт

**Макроиқтисодий  
айниятлар**

Асосий макроиқтисодий айнаият:

$$Y = C + I + G + X_n$$

Даромадлар ва харажатлар кўринишида

ҳисобланган ЯИМ кўрсаткичларининг  
(даромадлар ва харажатларнинг тенглиги)

Инвестициялар ва жамғармаларнинг ўзаро  
тенглиги:

$$I = S$$

Бу ерда I-инвестициялар

S-жамғармалар

$$S = S_p + S_g + S_{x_n}$$

$S_p$  - хусусий жамғармалар;

$S_g$  – давлат жамғармалари

$S_{x_n}$  – мамлакат иқтисодиётига киритилган  
хорижий жамғармалар ( $S_{x_n} = -X_n$ )



## *Ўтилган мавзулар бўйича саволлар:*

- 1) Макроиқтисодиётга тариф беринг ?
- 2) ~~Макроиқтисодиёт фанининг~~  
тадқиқот усулларини айтиб беринг ?
- 3 ) “Макроиқтисодиёт” фанининг  
предмети, максади, вазифалари ?
- 4) Позитив макроиқтисодиёт нима ?
- 5) Норматив макроиқтисодиёт нима ?

---

**Эътиборингиз учун  
рахмат**